

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД 5А 120101 - 2.02

2016 йил "09" 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил "02" 01

ХОРИЖИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ
ФАН ДАСТУРИ

- Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси: 120000 - Гуманитар фанлар
Мутахассислик: 5А 120101 - Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)

ТОШКЕНТ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Муратова Э.Д. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Махмудова Н.А. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

Джалилова Х.М. – ЎЗМУ, хорижий филология факультети, “Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Глазырина С.А. – ЎзДЖТУ, “Инглиз тили стилистикаси” кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари фани ўқув режасидаги бошқа назарий ва амалий курслар билан биргаликда инглиз адабиёти бўйича ҳар томонлама етук мутахассис, юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган. Мазкур фан талабаларда жаҳон адабий жараёнининг тарихий тараққиёти ва унинг муҳим ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантиришга қаратилган.

Ушбу фан Буюк Британия ва АҚШ адабиёти ривожланишини таҳлил қилиш ва ёзувчиларни дунёқарашларидаги мувофиқлик ва тафовутни англаш, бадиий асарнинг ғоявий мазмунини аниқлаш, ёзувчи ижодининг мантикий ривожини тушуниш каби малакаларни такомиллаштиришга ёрдам беради. Бу борада турли адабий таҳлил услубларидан фойдаланилади.

Магистрантларда “Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари” фани бўйича билимларини шакллантириш ва уларнинг бадиий асар таҳлиliga оид муайян билимга эга бўлиши ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиши муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён бевосита адабий-илмий, маънавий-маърифий соҳаларда амалий аҳамиятга эга. Фан доирасида ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмалар касбий ва илмий фаолиятда қўлланилади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари фанининг асосий мақсади - талабаларни, жаҳондаги адабий йўналишлар ва оқимларнинг эволюцион босқичлари билан таништириш, аниқ тарихий даврга мансуб бўлган буюк адабиёт намояндаларининг ҳаёти, ижодий йўли ва асарлари билан таништириш, магистрантларнинг билимини тизимли равишда шакллантириб уларга муайян мамлакат адабиёти ривожланишининг тарихий жараёнлар билан боғлиқлигини тушунтириш, адабий асарни турли услублардан фойдаланиб таҳлил қилиш ва уни бадиий аҳамиятини тушунтириш, бадиий аср поэтикаси хусусиятларини таништиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга ўрганилаётган мамлакат адабиётининг миллий ва маданий ўзига хослигини таништириш, муайян адабий оқим намояндалари бўлган АҚШ ва Буюк Британия ёзувчилари, уларнинг асарлари ва ижоди билан таништириш, умумжаҳон адабий-тарихий муаммоларини ёритиш, адабий жараёндаги ўзаро алоқани кўрсатиш, замонавий адабий жараённинг ривожланиш босқичларини таништиришдир.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари фанини ўзлаштириш жараёнида магистр:

- хорижий адабиётшуносликнинг ривожланиш жараёни ва концепцияси;
- бадиий асар муаллифи ижодий услубининг ўзига хослиги;

- адабий йўналиш билан адабий оқим тушунчалари ўртасидаги фарқ;
- адабий анъаналарни инкор қилиш ва бадиий янгилик яратиш ғоясини илгари сурилиши;
- хорижий адабиётшуносликнинг ҳозирги ҳолати XX асрга қадар мавжуд бўлган адабий оқимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- инсон шахсияти ички оламини бадиий адабиётда очиб бериш йўллари ва усуллари;
- замонавий адабиётда символнинг ролини;
- турли жанрларнинг шаклланиши;
- аллегория ва рамз;
 - футуризм оқимининг вужудга келиши;
 - сюрреализм, А.Бретоннинг “Сюрреализм манифести”;
 - экспрессионизм ижодкорларнинг мавжуд ҳолатга нисбатан норозилигини;
 - постмодернизм адабиёт ва санъатда, умуман, ижтимоий-гуманитар соҳалардаги оқим эканлигини;
- ҳозирги давр шоир ва ёзувчилари ижодига хос адабий оқимларни;
- адабиётда “Замон” ва “Макон” муаммосига янгича ёндашувни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- жаҳон адабиётида акс эттирилган ижтимоий-сиёсий вазият, фалсафий ва эстетик қарашларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
 - адабий оқимлардаги ўхшаш ва фарқ қилувчи омилларни аниқлаш;
- турли адабий оқимларга мансуб ёзувчилар ижодини ва асарларини таҳлил қилиш;
- адабиётшуносликнинг асосий принцип, метод ва атамаларини турли дискурс доирасида қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши керак;**
- бадиий асарни стилистик таҳлил қилиш;
- турли адабий оқимларни таҳлил қилиш **малакаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Бакалавр босқичида ўқитилган “Жаҳон адабиёти”, “Адабиёт назарияси” ва “Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти” фанларида олинган билимлар хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масаллари фанини ўқиш давомида умумийлаштирилиб, чуқурлаштирилади. Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари фани мутахассислик фани ҳисобланади. Мазкур фан “Қиёсий адабиётшунослик”, “Адабий алоқалар”, “Замонавий хорижий адабиёт”, “Илмий тадқиқот методологияси”, “Адабий танқид тарихи”

фанлари билан муаммоларнинг умумийлиги жихатидан бир-бирига ўзаро боғланган.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари фани ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ эмас. Ушбу фан Буюк Британия ва АҚШ адабиёти ривожланишини таҳлил қилиш ва ёзувчиларни дунёқарашларидаги мувофиқлик ва тафовутни англаш, бадиий асарни ғоявий мазмунини аниқлаш, ёзувчи ижодини мантиқий ривожини тушуниш малакаларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Бу борада турли адабий таҳлил услубларидан фойдаланилади.

Магистрантларда хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масаллари фани бўйича билимларни шакллантириш, бадиий асарни таҳлил қилишга доир муайян билимга эга бўлиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён бевосита адабий-илмий, маънавий-маърифий соҳаларда амалий аҳамият касб этади. Фан доирасида ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмалар касбий ва илмий фаолиятда қўлланилади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Ушбу фанни ўқитишда анъанавий ва замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан кенг фойдаланилади: гуруҳли музокаралар, жамоа лойиҳалари, жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш, яқка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш, давра суҳбатлари ўтказиш, дискуссия, кластер, баҳс-мунозара, рефлексив усуллар (таҳлил, қиёслаш, синтез, баҳолаш).

Машғулотлар давомида адабиётлар, Интернет маълумотлари, аудио ва видео материаллардан қўлланилади. Машғулотлар ахборот технологиялари, жумладан, мультимедиа воситалари ёрдамида ташкил этилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Фанга кириш

Хорижий адабиётшуносликнинг ривожланиш жараёни. Адабий оқимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари.

XX асрга қадар мавжуд бўлган адабий оқимларнинг ривожланиш босқичлари

Хорижий адабиётшуносликнинг ривожланиш жараёни ва концепцияси. Хорижий адабиётшунослик ривожланиш жараёни бўйича турли назариялар. Хорижий адабиётшуносликнинг ҳозирги ҳолати. Адабий оқимларнинг пайдо

бўлиши. Ўрта асрларда адабий оқимлар. Инсонпарварлик концепциясида муаллифнинг ўрни. Уйғониш даври ва Маърифатпарварлик адабиётшунослиги. Инглиз ва Америка адабиётида романтизм, реализм ва янги оқимларни ўзига хослиги.

XX аср адабиётида янги оқимларни пайдо бўлиши

Биринчи жаҳон урушидан кейин адабий оқимлар тараққиёти. Декаданс ва уни адабиётга бўлган таъсири. Натурализм, позитивизм, фрейдизм, прагматизм, эстетизм йўналишларининг аҳамияти. Адабиётда янги “-изм” ларни пайдо бўлиши – абстракционизм, кубизм, футуризм, популизм, дадаизм, экзистенциализм, сюрреализм, символизм. Появление “Эскепизм”нинг пайдо бўлиши. Ғарбий ва Америка модернизми тараққиёти. “Йўқотилган авлод” ёзувчиларининг “private worldism” фалсафаси.

Реализмнинг адабиётдаги янги шакллари ва турлари

Ғарб адабиётида реализм ва модернизмнинг янги кўриниши. “Классик реализм” ва “Янги реализм” ўртасидаги фарқлар. Ёзувчилар асарларида инсонпарварлик концепциясининг талқини. Ёзувчининг бадиий услуби ва асарнинг нарратологик хусусиятлари (“онг оқими”, “ички монолог”, “ретроспекция”, “проспекция”). Реализмда классик анъаналарнинг йўқотилиши. Ўзгаришларнинг хусусиятлари ва сабаблари. Реализм ва модернизм ўртасидаги тафовут ва ёзувчиларнинг позицияси.

Реализмнинг моҳияти ва асосий тамойиллари

Реализмнинг оқимининг йирик намоёндалари: Х. Хессе, Г. Грин, Ж. Апдайк. Уларнинг жаҳон адабиётига қўшган ҳиссаси. Реализмнинг янги қирралари, бадиий хусусиятларнинг роли. “Кентавр” (Д.Апдайк) романида фантастика. Афсона ва ҳақиқат бирлашуви. Инсонпарварлик ғоясининг пайдо бўлиши ва унинг адабиётда акс этиши. “Турмуш насри” (Ж.Апдайк) асарининг ғоявий-бадиий ўзига хослиги.

“Чўл бўриси” (Хессе) асарининг шаклий мураккаблиги ва унинг фалсафий мазмуни. Хессе ижодида инсон концепцияси ва унинг модернизмдан фарқи.

Г. Гриннинг “Монсиньор Кихот” романида гротеск, пародия ва парадокс. Парадокс – Гринга хос усул. Грин ижодида испан мотивлари. Романда тарих концепцияси ва инсонпарварлик ғоялари.

XX – XXI аср машҳур реалист ёзувчиларнинг асарлари асосий ғояси ва бадиий қиймати. (Д.Ирвинг, Й.Макьюен, Д.Барнс, К.Бакли, Й.Бэнкс ва б.)

Модернизм оқими

Модернизм оқими ҳақида. XX аср етакчи модернистлари ижоди. Жеймс Жойс ва унинг “Уллис” романи. Бадий эксперимент муаммоси. Романдаги ғоявий қарама-қаршилик. Т. С. Элиот шъриятининг ўзига хос хусусиятлари. М. Прустнинг новаторлиги. Психологик наслнинг янги тури. Ф. Кафка ижодида олам ва инсон тушунчаси (“Эврилиш” повести. “Жараён” ва “Қаср” романлари ва ҳикоялари).

Адабиётда экспрессионизм

Етакчи экспрессионист-шоирлар ижоди (И. Бехер, Ф. Вейфел) Экзистенциализм фалсафаси ва унинг бадий адабиётдаги кўриниши. Ж. П. Сартрнинг “Кўнгил айниши” романидаги фалсафий қарашлар. А. Камюнинг “Вабо” романи экзистенциал ғоялар намунаси сифатида.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин хорижий адабиётда фалсафий қарашларнинг ифодаланиши

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ғарб адабиётидаги фалсафий мотивлар. Ғарб фалсафаси – фалсафий антропология (неотомизм, экзистенциализм, структурализм)даги янги оқимлар. Фалсафий адабиёт ва фалсафий тенденцияларга йўғрилган адабиёт. “Замон” ва “Макон” масаласи. “Замон” ва “Макон” муаммоларининг турли изоҳ ва тушунчалар орқали адабиётда ифодаланиши. Фан тараққиёти ва адабиёт. Экзистенциализм фалсафасининг адабиётга таъсири. Италия (И. Кальвино), француз (Ж-П Сартр, А. Камю), инглиз (Айрис Мердок) ва немис (Гюнтера Грасс) адабиётида экзистенциализм фалсафасининг хусусиятлари. Инсонни ўз тақдири учун ва жамиятдаги ўзгаришлар учун маъсуллиги аҳамияти талқини.

Постмодернизм оқими

Постмодернизм ҳақида тушунча. Турли ёндашувлар. Жаҳон адабиётида постмодернизм концепцияси. Замонавий адабиётда постмодернизм. Ёзувчи ва шоирлар ижодида постмодернизм кўринишлари. Оқимга хос хусусиятлар таҳлили. Постмодернизмнинг таниқли вакиллари.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин натурализмнинг янги талқини

Натурализм тушунчаси. Натурализмни 19-асрнинг 50-60-йилларида шаклланиши ва тараққиёти. Натурализм адабий оқим ва услуб сифатида ривожланиши. 19 ва 20 асрда натурализм талқинида турли ёндашувларни пайдо бўлиши. Натурализм ва реализм. Илм, фан тараққиёти ва натурализм. Натуралистик услубнинг ёзувчилар ижодида қўлланилиши (Стивен Кинг, Р. Хоуки, Ж. Хэмилл, Пэдди Чаефски)

Замонавий реалистик адабиётда инсон ички оламини очиб бериш йўллари ва усуллари

19 - 20 асрлар адабиётида инсон ички оламини очиб бериш йўллари ва усулларининг фарқи. Ж Жойс «Улисс» асарининг психологизми.

3. Фрейднинг психология фани тараққиётига қўшган ҳиссаси, унинг адабиётга бўлган таъсири ва шахснинг ички дунёсини ифодалашда қўлланилиши. Адабиётда психологик таҳлил. Инсон ички дунёсини ифодалашда янги услуб ва усуллар. Ж. Фаулз, Грэм Грин, Мартин Вальзер асарларида инсон психологияси, ички дунёсини очиб бериш хусусиятлари, бунда реалистик ва модернистик эстетик қарашларнинг аҳамияти.

Замонавий адабиётда рамзнинг роли

Замонавий адабиётда рамзнинг роли. Роман, қисса ва ҳикояларда рамзнинг турли шакллари. Бадиий адабиётни номлашда рамзий маъно. Аллегория, рамз – бадиий матн ва сюжетнинг асоси сифатида. Ҳужжатли роман шаклланиши ва бадиий асар номларида рамзнинг қўлланилиши. Рамз маъноси ва аҳамияти (Э. Доктороу). Замонавий инглиз адабиётида рамз ва аллегория (Г. Свифт).

“Янги журнализм” ва ҳужжатли роман тараққиёти

Реализмнинг 20 асрдаги янги қўринишлари. “Янги журнализм” тушунчаси, турли шакллари, услублари ва ижтимоий аҳамияти. “Янги журнализм”нинг долзарблиги. Журналистика ва адабиёт (Томас Вулф, Норманн Мейлер, Трумэн Капоте). Ҳужжатли роман яратилишининг тўрт шарти – воқеаларни шахсан кузатиш, диалоглар мазмунини бериш, учинчи шахс номидан хабар бериш, вазиятни тўлалигича кузатиш. Тасвирланаётган воқеани ифодалаш усуллари – контрапункт ва полифония. Замонавий адабиётда янги услублар. “Замон” муаммосига янгича ёндашув. Тарихий, миллий, маданий ва ижтимоий ходисаларни “Янги журнализм”да ифодаланиши.

XX-XXI асрларда янги адабий услубий тизимининг шаклланиши

XX-XXI аср ёзувчиларининг фалсафий қарашлари туфайли шаклланган ижодий услубнинг ўзига хослиги. “Вақт” тушунчасининг янги талқини. Ёзувнинг янги шакллари – монтаж, вақт сурилиши, эркин услуб, эпизодларни мантикий ўзаро уланмаслиги ва бошқалар. Замонавий инглиз ва америка ёзувчиларнинг ёзиш услубининг хусусиятлари ва фарқи. Борлиқни ҳужжатли аниқ тасвирлаш

Замонавий адабиётда “Вақт” ва “Фазо”

“Фазовий” мавзуларнинг адабиётга кириб келиши. Илмий фантастика тараққиёти. Эйнштейннинг “Вақт” ва “Фазо” назарияси тушунчаларининг илмий фантастикага таъсири. Ўтган, ҳозирги ва келаси замонларнинг фантастик асарларда уйғунлиги. Реалист ёзувчилар асарларида “вақт” тушунчасининг талқини.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

1. XVII-XVIII аср адабиёт тараққиёти
2. XIX аср адабиёти тараққиёти.
3. XX асрда модернизм оқимининг пайдо бўлиши.
4. Ғарб адабиётида реализмни янги қўриниши
5. Иккинчи жаҳон урушдан кейинги адабиётда янги адабий оқимларнинг тараққиёти
6. Замонавий америка адабиётида адабий жараённинг ўзига хослиги.
7. Замонавий инглиз ва америка адабиётида фалсафий ғояларни тасвирланиши.
8. Қаҳрамон ички дунёсининг замонавий адабиётда ифодаланиши
9. Замонавий реалистик адабиётда рамзнинг роли.
10. Замонавий адабиётда “Вақт” ва “Фазо”
11. Адабий асарларнинг стилистик ўзига хослиги.
12. Адабий оқимлар илмий тушунча сифатида
13. Ф. Кафка “Қаср” (Ёки “Эврилиш”)
14. М. Пруст “Сван тарафга”
15. Г. Гессе “Чўл бўриси”
16. Ж. Гарднер “Кузги гул”
17. Экспрессионистлар шеърляти
18. Ж. П. Сартр “Кўнгил айниши”
19. А. Камю “Вабо”
20. Д. Апдайк “Кентавр”
21. Г. Грин “Монсиньор Кихот”

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан

фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масаллари фанини ўрганувчи магистрантлар аудиторияда олган амалий билимларини мустаҳкамлаш ва гуманитар соҳада амалий масалаларни ечишда кўникма ҳосил қилиш учун мустақил таълим тизимига асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида мустақил иш бажарадилар. Бунда улар кўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб рефератлар ва илмий докладлар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали куроллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги шакллардан фойдаланишга тавсия этилади.

- * дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан мавзуларини ўрганиш;
- * тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- * компьютер технологиялари тизимлари билан ишлаш;
- * махсус адабиётлар бўйича реферат ва конспектлар тайёрлаш;
- * талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган адабиётлар, монография ва илмий тўпламларни чуқур ўрганиш;
- * интерактив ва муаммоли ўқитиш жараёнида фаол қатнашиш;
- * масофавий таълимни ташкил этишда қатнашиш.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Жаҳон адабиётида адабий оқимлар тушунчаси
2. Замоनावий адабиётшунослар ижодида модернизм мавзуси
3. Модернизм адабий йўналиш сифатида
4. Замоनावий босқичда реалистик драма
5. Адабий оқимлар соҳасида илмий тадқиқотлар.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари фанини ўзлаштириш учун замоनावий методларнинг барчасидан ўринли фойдаланиш катта самара беради. Фан бўйича мавжуд ўқув адабиётларни ўрганиб чиқиш,

диссертацияларнинг авторефератларидан фойдаланиб, турли адабий методларини тадқиқ қилиш магистрларга диссертация ёзишда кўл келади. Бунда интернет имкониятларидан фойдаланиб, тақдимот учун слайдлар тайёрлаш тавсия этилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати¹

Асосий адабиётлар:

1. Liliana Sikorska. An outline history of English literature. 2003, 529p
2. Oxford companion to English literature. Margaret Drabble. Oxford University press. 2000.
3. The chronology of American literature. America's Literary Achievements from the Colonial Era to Modern Times. Edited by Daniel S. Burt Boston New York, 2004 .
4. Теория литературы. Учебное пособие: в 2-т./Под ред. Тамарченко Н.Д. 2004. М.: -Академия

Қўшимча адабиётлар:

1. Gale Contextual Encyclopedia of American Literature. 2009, Gale. USA
2. Julian Wolfreys. Introducing literary theories. Guide and glossary. Edinburgh University Press. 2001, 332p.
3. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти Т. 2006 й.
4. Зарубежная литература XX века. – М.: Академия, 2003.
5. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш.-Т.: «Халқ мероси» нашриёти, 2004
6. Хализев В.Е. Теория литературы.-Москва: 2002.

Энциклопедия ва луғатлар:

1. The Penguin dictionary of literary terms and literary theory. Penguin Books, 1999, p. 561.
2. The Routledge Dictionary of Literary Terms. Taylor & Francis, London and New York 2006.. p.157

Интернет сайтлар:

1. <http://youreng.narod.ru/teoper.html>
2. <http://www.twirpx.com>
3. <http://www.uz-translations.net>
4. <http://www.booksbooksbooks.ru>
5. <http://www.literature-online>
6. <http://www.ziyo.net>

¹ Адабиётлар рўйхатида ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятларини инобатга олган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

